

## ТИББИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ИЛМИЙ АСАРЛАРДА АКС ЭТИШИ

Қосимова Феруза Хурсанали кизи,  
Фарғона давлат университети таянч докторанти, Ўзбекистон  
[feruza.kasimova5220@gmail.com](mailto:feruza.kasimova5220@gmail.com)

*Аннотация:* Мазкур ишда тиббий терминларни инглиз тилишунослиги доирасида ўрганган бир неча хориж олимлари ва уларнинг илмий асарлари, қўлланмалари ҳамда мақолалари тадқиқ қилинган.

*Калит сўзлар:* тиббий терминлар, дискурс, *Rosita Maglie, Robert B. Taylor, Marta Sylwanowicz, Bozena Dzuganova*

Инглиз тиббий терминологик тизими диахрон ҳамда синхрон усулда ҳар жабҳадан, шу жумладан: этимологик, морфологик, семантик, лексик, лингвокультурологик томондан таҳлил қилиниб, ўрганилган.

Хусусан, *Rosita Maglie* нинг “Understanding the language of medicine (Тиббиёт тилини тушуниш)” [1] номли китобида тиббий терминлар аввал диахрон, сўнг синхрон тарзда ўрганилган. Муаллиф тиббий терминларни лингвистик (лексик, семантик) ҳамда методик жиҳатдан тадқиқ қилган бўлиб, *оғзаки тиббий дискурс* қисмида бемор ҳамда уларнинг оилалари билан шифокорнинг ўзаро мулоқоти, илмий мулоқот ҳамда тиббиёт соҳасидаги таржимонлар ҳақида керакли маълумотларни келтирган. Ёзма матн таҳлили қисмида эса тиббиётга оид матн турлари ва уларнинг алоҳида жиҳатларини очиб берган. Ушбу асар тиббий терминларнинг дискурсда қўлланилиши бўйича ўзига хос хусусиятларини намоён қилганлиги билан ажралиб туради.

*Robert B. Taylor* нинг “The amazing language of medicine: understanding medical terms and their backstories (Тиббиётнинг ажойиб тили: тиббий терминлар ҳамда уларнинг тарихини тушуниш)” [2] номли китоби инглиз тиббий терминлари этимологик жиҳатдан тадқиқ қилинган энг беқиёс асардир. Ушбу китобда тиббиётга оид терминларнинг лексик, семантик, стилистик жиҳатдан

тахлили ҳамда уларнинг қизиқарли тарихи муфассал ёритилган. Чунончи, муаллиф мазкур соҳада қўлланиладиган сўзлар ҳақида шундай деб ёзади:

*-Ҳар бир сўз ўзига хос, ва баъзан ранг-баранг, келиб чиқишга эга. Monongahela, мисол учун, ҳиндулар тилидан келиб чиққан бўлиб, “тушаётган қирғоқларнинг дарёси” деган маънони англатади. Қадимий юнонлардан бизга кириб келган сўзлар phalanx (аскарлар қатори), pylorus(дарвозабон), and colon (кавак)ларни ўз ичига олади. Лотин тилидан биз dura mater (қаттиққўл она), ҳамда vagus (саёҳат), ўта хавфли перипатетик ўнинчи краниал нервнинг номи, каби сўзларни ўзлаштирдик. Flatus лотин тилида шамолнинг эсиши ни ифодалайди. Ноклассик тиллардан бизга кўплаб тиббий терминлар кириб келди, булар: cascara (бўшаштириш хусусиятига эга ўсимлик, испан тилидан), tsutsugamushi (хавфли қўнғиз, япон тилидан), and agar (денгиз ўтларидан олинadиган желатин модда, Malaya тилидан)..[2, 5]*

Мазкур китоб ўзида кўплаб тиббий терминларнинг қизиқарли афсонасини ҳамда ҳозирги кундаги изоҳини мужассамлаштирган етук асардир.

Ўрта аср инглизча дори воситалари номларининг кенг қамровли тадқиқи тилшунос *Marta Sylwanowicz* нинг “Middle English names of medical preparations: towards a standard medical terminology (Тиббий препаратларнинг Ўрта аср инглизча номлари: тиббий терминология стандартига биноан)” [3] номли китобида ёритилган. Ушбу асарда 14-15 асрларда ёзиб қолдирилган, дориларга бағишланган жами 1600 та адабиётлардаги, шу жумладан луғатлардаги, дори воситалари номлари таҳлил қилинган.

Мазкур асарда фармакологик терминларнинг келиб чиқиши, уларнинг структураси ҳамда тиббиётга оид матнлар (дискурс) да ифодаланилишига эътибор қаратилган.

Тиббий терминларнинг морфологик тадқиқи борасида бажарилган илмий ишлар ичида *Bozena Dziganova* нинг мақолалари [4] муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи тиббиёт соҳасидаги терминларнинг аффиксация томонини таҳлил қилган бўлиб, айниқса салбий маъно берувчи қўшимчаларни чуқур ўрганган. Маълумки, салбий маъно берувчи аффикслар воситасида тиббий белгилар, касалликлар ҳамда нуқсонларни ифодаловчи кўплаб терминларга салбий бўёк берилади. *Dziganova* бу турдаги қўшимчаларни “affixal negation (аффиксал негация)” деб атаган. Унинг қайд этишича, салбий маъно берувчи бешта префикс (a-, dis-, in-, non-, un-) ҳамда битта суффикс (-less) мавжуд. Шунингдек, қисман салбий маъно берувчи аффикслар таҳлил қилиниб [5], *anti-*, *contra-*, *counter-*, *de-*, *dys-*, *ex-*, *extra-*, *mal-* каби префикслар ўзлари бирикиб келадиган сўзларга қисман салбий бўёк бериши аниқланган (м-н, *antibody*/ антикор – ижобий маънони ифодалайди: инсон танасида мавжуд бўлган касаликка қарши курашувчи модда). Унинг таҳлил натижалари тиббий лексикани яхшироқ тушунишга хизмат қилади.

Юқоридагиларга қўшимча равишда, инглиз тилшунослигида тиббий терминлар тадқиқига бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари, китоблар, мақолалар ҳамда луғатлар мавжуд бўлиб, уларда мазкур соҳа терминларининг лисоний манзарасини ҳамда унинг шаклланиш эволюциясини яққол кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rosita M. Understanding the language of medicine. – Aracne, 2009. – 164
2. Taylor R. The amazing language of medicine: understanding medical terms and their backstories. – Springer International Publishing AG, 2017. – 249
3. Sylwanowicz M. Middle English names of medical preparations: towards a standard medical terminology. – Peter Lang GmbH, 2018. – 230
4. Dziganova, B. (2006). Negative affixes in medical English. *Bratisl Lek Listy*. 107 (8), 332-335
5. Dziganova, B. (2007). Seemingly or partially negative prefixes in medical English. *Bratisl Lek Listy*. 233-236